2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 13 (269), 2021 йил 20 январь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало, маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда бу борада қатор қарорлар қабул қилинди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

— Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, — деди Шавкат Мирзиёев йиғилишда. — Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.

Яқинда бўлиб ўтган йирик тадбирлар — давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маънавият йўналишидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Чунки бу борада ечимини кутиб турган, ўзгаришлар шамоли кириб бормаган масалалар кўп. Миллий ғоянинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафкурани тасаввур қилиб, бунга юзаки қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис Президент мамлакатимиз мафкурасининг асосий ғоясини таъкидлаб ўтди:

— Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдириляпти.

Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда.

Бундай таҳликали вазиятда ҳушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшаш зарур.

Давлатимиз раҳбари лоқайдлик ва бепарволик энг катта хавф эканини, бугун учраётган ижтимоий муаммоларни камайтириш учун нуронийлар тарбияси, жамоатчилик назорати етишмаётганини таъкидлади.

Йиғилишда қайд этилганидек, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам кутилган натижани бермаяпти.

Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги айтилди.

Президентимиз ушбу марказнинг “Маънавият тарғиботчиси” ўқув муассасаси негизида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш таклифини билдирди.

Йиғилишда маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари белгиланди.

Маълумки, ҳозирги пайтда маънавият тарғиботи билан ўнлаб ташкилотлар шуғулланади. Лекин уларнинг фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаётгани, ягона тизимга бирлашмагани сабабли бир-бирини такрорлаш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди.

Марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилади. Унинг фаолияти илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил қилинади.

Тарбияда танаффус бўлмайди, дейди халқимиз. Лекин маънавий-маърифий ишлардаги узвийлик ҳозирча бундай эмас. Бу борада боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла — ҳар бири алоҳида иш олиб боряпти.

Шу боис маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, хусусан, ўғил-қизларни болалигиданоқ билимли ва фазилатли этиб тарбиялаш, бунинг учун мактабгача таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Барча олийгоҳ ва уларнинг филиалларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилиши айтилди.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилиши маълум қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳар нуронийларининг тарбияси оғир, ишсиз ёшларга кўмаклашиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ҳудудлар марказида намунавий лойиҳа асосида маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан соҳага қўшимча штатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” мажмуасини халқимиз, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарих ва аждодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш таклифи билдирилди.

Ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

— Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини кучайтириш, юртимизда ва хорижда уни ўрганиш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари”мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Афсуски, атрофимиздаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан тилда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам. Бундай вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Шу маънода, Маънавият ва маърифат, “Тараққиёт стратегияси”, Ислом цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий “ақл марказлари”га айланиши кераклиги таъкидланди.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида “Ижод” жамоат фонди негизида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилиши қайд этилди.

Бу жамғармага 120 миллиард сўм ажратилиб, маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини самарали амалга ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш учун сарфланади. Бу маблағнинг 90 миллиард сўми ҳудудларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга, 20 миллиард сўми Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 10 миллиард сўми мамлакат миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилишга йўналтирилади.

Шу йилдан бошлаб маънавият ва маърифат соҳаси ихтисосликларини фанлар классификаторига киритиш, бу йўналиш бўйича етук кадрлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Китобхонлик маданиятини кенгайтириш, кино санъатини изчил ривожлантириш, барча телеканаллар қошидаги бадиий кенгашлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, теледастурларнинг савиясини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир, — деди Президент.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича соҳа мутасаддилари, ўқитувчи ва профессорлар, вазирлар, вилоят ҳокимлари фикр билдирди.

ЎзА

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

“THE KOREA POST”: “ЎЗБЕКИСТОНДА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР, ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА”

Жанубий Кореяда чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири — “The Korea Post” журналининг интернетдаги саҳифасида ушбу журнал асосчиси Ли Кёнг Шикнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи “Ўзбекистонда туб ислоҳотлар, ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга оширилмоқда” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МИНБАРИ

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШ МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Эркин ҲАМРОЕВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга эксклюзив интервьюси

Кейинги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сарҳадлар оша дўстлик, тенг шериклик, бағрикенглик тамойили асосида ривожланмоқда. Хорижий давлатлар билан алоқаларда Ўзбекистон томони минтақавий тараққиётга доир ташаббусларни, бугунги таҳликали замонда ҳамжиҳатлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омилларини илгари суришга қодир мамлакат сифатида эътироф этилаётгани ҳам фикримизнинг далили.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқаро муносабатларда сиёсий нуктадонлик билан эътибор қаратадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Бу — хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш. Бугун ана шу жиҳатлар давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

— Эркин Жалилович, хориждаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш, улар билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам ватандошлар мавзуси алоҳида тилга олинди. Жумладан, “Ватандошлар” жамғармасини тузиш таклифи илгари сурилди. Дастлаб бу ташаббуснинг аҳамияти хусусида сўзлаб берсангиз.

Давоми 3-бетда

ЎТДА ЁНМАС, СУВДА ЧЎКМАС МЕРОС

Азамат ЗИЁ, тарих фанлари доктори, профессор

Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!

Президентимизнинг ушбу сўзлари ёшларга қарата айтилган бўлса-да, аслида ҳар биримиз, ҳар бир авлод учун ўта керак ва фойдали ҳикматдир. Хавфсизлик кенгашининг ўтган ҳафта бошидаги йиғилишида ҳам айнан шу омил диққат марказида бўлди, десак адашмаймиз. Ҳарбий билимсиз — ҳарбий таълим йўқ, дея ўзига хос тенглама яратиб берганининг ўзиёқ давлат ва миллат хавфсизлигини таъминлашда илм-фаннинг ўрни ҳар қачондагидан кўра кучлироқ ва заруррроқ аҳамият касб этаётганининг тасдиғидир, албатта.

Давоми 2-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЎТДА ЁНМАС, СУВДА ЧЎКМАС МЕРОС

Бошланиши 1-бетда

Чиндан ҳам, айниқса, бугун бирон соҳа рўшнолигини илм-фан ютуқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мудофаа тизимини эса гапирмаса ҳам бўлади. Негаки, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари айнан шу тармоқда туғилиб, сўнг вақти соати келиб оммалашиши анъанасини ҳали ҳеч ким бекор қилганича йўқ, қилолмайди ҳам деб ишонамиз. Узоққа бормасдан, компьютерлар тармоғининг бутунжаҳон тизими — интернет 1969 йили АҚШ Мудофаа вазирлиги буюртмасига биноан яратилган ARPANET нинг меваси эканини эслашнинг ўзи етарли.

Ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки хавфсизлик, халқчил айтганда эса тинчлик-хотиржамлик масаласи барча замон ва халқлар учун доимо биринчи ўринда турган. Шунинг учун ҳам давлат ва жамиятнинг энг сара, кўп имконлари — одам, маблағ, билим, касб-кор ва бошқалар мазкур йўналишга сафарбар қилинган.

Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган, фақат куч тузилмалари эмас, балки марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг деярли барча йўналишдаги идоралари, жамоат ташкилотлари қатнашувидаги йиғилиши анъанага айланди. Бу ҳам бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Негаки, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш бу умуммиллий масаладир. Қолаверса, ўтган тўрт ярим йиллик вақт Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевга Амир Темур бобомиз каби кенгашиб иш кўриш хос эканлигини намоён этди. Одамларни бирлаштириш, каттадан-кичикнинг давлат ва жамият тақдирига дахлдор масалаларда ўз сўзини айта олишида тенг шароит яратиш ва миллат олдида турган азалий муаммоларни ҳал этишга отлантиришда мазкур фазилат тенгсиз кучга эга.

Янги Ўзбекистон тарихий босқичига қадам қўйилган илк кунлардан буён миллий етакчимиз томонидан алоҳида ва узлуксиз эътибор берилаётган масала маънавият ва маърифат бўлгани ҳолда, бой ва ҳеч кимда йўқ тарихий-маданий меросимиз қадр-қимматини ўрнига қўйиш, уни чуқур ўрганиш, ундан таълим ва тарбиядек ўта зарур ва нозик соҳада унумли фойдаланишга алоҳида урғу бериб келинаётгани ҳам ҳақиқатдир. Кенгашнинг бу галги йиғилишида эса давлатимиз раҳбари ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, келганда ҳам юрак ютиб кўтариб чиқиши амримаҳол мавзуни ўртага ташлади, унинг мағзини чақиб, турмушга татбиқ қилиш йўлларини ҳам кўрсатиб берди.

Икки миллион йил бурун сўзлашишни эплай бошлаган кишилик тарихидаги пайғамбарлар орасида исмию жисми, наслу насаби, авлодию йўлдошлари, китобию ҳадислари, турмушу иши аниқ ва далил-исботли бирдан-бир саналмиш пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг турк тилини ўрганинг, чунки уларнинг (туркий халқларнинг) ҳукмронлиги узоқ давом этади (تعلموا لسان الترك فان لهم ملكا طوالا), деб айтганларини бугун барча ҳам билавермайди. Мазкур ҳадисни XI асрда яшаб ижод қилган буюк олим Маҳмуд Кошғарий бухоролик ва нишопурлик ишончли уламолардан эшитиб ёзган. Улуғ тилшуноснинг ҳадис тўғри бўлмаган тақдирда ҳам ушбу тилни ўрганиш зарурлигини ақл тақозо қилади, дея қўшимча қилишидан қатъи назар, пайғамбаримиз замони ва ундан олдин ҳам туркий омил ўз довруғини ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда таратиб бўлган эди.

Талабалигимизда форсчада эшитиб, ёд олган илк мақоллардан бири “забони арабий мўшкел аст, забони форсий шакар аст, забони тўркий ҳўнар аст” бўлган. Яъни араб тили қийин, форс тили ширину шакар, турк тили эса сиёсат тили. Бизнинг эндиги тушунчамиздаги касб-кордан фарқли ўлароқ мазкур сўз ўрта асрларда, энг аввало, қобилият, ишнинг кўзини билиш, устозлик, маҳорат, фазилат маъноларига эга бўлган. Яъни туркий тил давлат ва ҳарб бошқаруви тилидир.

Шу маънода, Яратган элчисининг туркий халқлар ва тили борасидаги қарашларида каттагина ҳақиқат бор, деб айта оламиз. Негаки, сўнгги 2000 йил ичида дунё сиёсий, иқтисодий, илм-фан ва маданий туриш-турмушида етакчилик қилган эллардан бири, маълум маънода, асосийси чиндан ҳам туркийлар бўлган. Сўнгги илмий изланишларга кўра, туркий ўғизлардан бўлмиш кушонийлар минтақамиздан ташқари ҳозирги Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистонни бошқарган (I-IV асрлар), улардан кейин деярли худди шу кенгликда эфталийлар (IV-VI асрлар) ҳукмронлик қилган бўлса, араб халифалиги дунёга келиши арафасида (VI-VII асрлар) ашиналийлар (турк хоқонлари) Дўн дарёсидан Шимолий Ҳиндистонгача, Қора денгиз бўйларидан Тинч океанигача ястанган улкан кенгликни идора этган.

Хитой ҳукмдорлари бўйнига йилига 100 000 парча ипак етказиб бериш шартини қўйган, Эрон сосонийларига 40 000 олтин динор ўлпон тайинлаган, Византиягача чўзилган савдо-сотиқ йўлини (Буюк ипак йўли) назорат қилган туркий сулолалар довруғи Араб ярим оролигача етиб бормаслиги мумкин эмасди.

Расули акрамнинг башоратлари тўғри чиққан: IX асрдан XX аср йигирманчи йилларигача чиндан ҳам Ўрта денгиздан Хитойгача, Дунайдан Шимолий Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудни асосан туркий сиёсий кучлар бошқарган. Улардан энг машҳурлари сирасида салжуқийлар, ануштегинийлар (хоразмшоҳлар), темурийлар, усмонийлар, шайбонийлар, сафавийларни тилга олишимиз мумкин. Олтин Ўрдада (асосан ҳозирги Россия ва Қозоғистон ерлари), Ҳалоку улусида (ҳозирги Эрон, Афғонистон, Ироқ, Озарбайжон, шунингдек, Сурия ва Туркиянинг бир бўлаги) ҳам туркий қатлам ва тил ўта кучли бўлгани инобатга олинса, сўз кетаётган мавзунинг моҳияти янада ойдинлашади.

Жаҳон тарихида ўзига яраша машҳур давлат арбоблари, саркардалар кўплаб топилади. Уларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ҳам етарли. Бироқ улар орасида арбоблик, қўшинбошилик, салтанатчиликдаги буюклигидан ташқари бошқарувчилик маҳорати ҳақида битик яратган ягонаси бор. У — Амир Темур ва бу — “Темур тузуклари”!

Чиндан ҳам бундай шараф на Александру Чингизхонга, на Кайзеру Наполеонга насиб этган. Яна Худо билади-ку, бироқ балки шунинг учун ҳам айримлар, “Тузуклар”ни Амир Темур ёзмаган, қабилидаги бўҳтонларни тарқатгандир. Ўзи, умуман олганда, нега бизнинг ўтмишимиз, улуғ аждодларимизга кўп тош отилган?

Бу дунёнинг ишлари чигал ва оғир. Унинг қонуни битта: ўзинг учун ўзинг тириш. Яъни етук насл қолдир, уруғингни айнитма! Кимки — хоҳ шахс, хоҳ жамият — мазкур тузукка риоя қилса, ютган. Бўлмаса, рақобатга чидаш беролмай, ё йўқ, ё қарам, оёқости бўлган.

Қарама-қаршиликда қўлланадиган энг таъсирчан қуроллардан бири эса мафкуравий бузғунчиликдир. Қисқаси, мўлжалдаги юрт тарихи, тили, адабиёти, санъати, динини ерга уриш орқали уларнинг эгаларида шахсий ва миллий ожизлик, тили қисиқлик, ўзига ишонмаслик, мутелик туғдирилади. Оқибати маълум: бундай авлод нажотни бегоналардан қидиради, шу тариқа қопқонга тушади...

Шу маънода, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш бўйича ташаббусида ўта чуқур ҳикмат ва тарихий адолат бор, деб санаймиз. Негаки, юқорида урғу берилган омил — сўнгги 2000 йил ичида Яқин ва Ўрта Шарқни бошқарган туркий хонадонларнинг келиб чиқиши Турон, ўзбек давлатчилиги билан боғлиқлиги, ўз-ўзидан, ҳарб иши борасидаги ушбу бой ва улкан бисотнинг эгаси борлигини тасдиқлайди. Милоддан олдинги VI асрда очиқ майдонда Курушни ер қақшатган Томир хотунга омад эмас, балки қаттиқ ватанпарварлик ва ҳарбий маҳорат қўл келганини ҳам қўшиб мулоҳаза қилсак, мазкур ҳикмат мағзини чаққан бўламиз. Шундай тенгсиз, ўрганса, мақтанса ва ғурурланса арзигулик миллий бойлигимиз мана энди юзага чиққани эса, ниҳоят тарихий адолатнинг қарор топганини англатади, албатта.

Ушбу институтнинг бугуни ва келажаги порлоқлиги масаласида ҳам шубҳа қилмаса бўлади. Негаки, изланиш, ўрганиш, хулосалаш учун манба ва мавзуларнинг саноғи йўқ, десак ҳам бўлади. Уларнинг айримларини миллий етакчимиз тилга олинган кенгашда айтиб ҳам берди: **Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳрух, Бобур ҳарбий меросини ўрганиш.**

Келинг, бир ҳақиқатни баралла айтиб, тан олайлик: тарихимиз бўйича билимларимиз ҳалигача анча юзаки. Қойиллатиб ўқимаган бўлсак, қаердан ҳам пишиқ бўлсин. Ўқиганларимиз ҳам юзаки. Қойиллатиб ўрганмаган бўлсак, қаердан ҳам пишиқ бўлсин.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида билганларимиз мана бундан нари ўтмайди: мўғулларга қарши курашган, Синд дарёси бўйида ҳарами ва болаларини сувга чўктириб, ўзи ҳам оти билан дарёга сакраган, Чингизхон, ўғлинг бўлса, шундай бўлсин, деган, вассалом.

Амир Темур, Бобурга оид билимларимиз озроқ кўп бўлиши мумкин, лекин билағонлар гурунгида уялиб қолмайдиган даражада эмас. Шоҳрухни эса жуда кўпчилигимиз ёлчитиб танимаймиз. Амир Темурнинг ўғли, Улуғбекнинг отаси бўлганини биламиз, холос.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Шоҳрух номини тилга олгани тарихчилар учун катта воқеа, деб санаймиз. Негаки, айнан Шоҳрух темурийлар хонадонининг Амир Темурдан кейинги энг забардаст, ёрқин, донишманд ва бунёдкор вакили саналади. Соҳибқирондан сўнг емирилиш йўлига тушган буюк салтанатнинг ўзагини — ҳозирги Ўрта Осиё, Ғарбий Хитой, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон, Эрон, Кавказ, шунингдек, Ироқ ва Туркиянинг шарқий бўлакларини ўз ичига олган улкан кенгликни ўзбек давлати измида сақлаб қолган Шоҳрух бўлади. Ўлими юз берган 1447 йилга қадар, яъни қирқ икки йил мобайнида оқиллик, донишмандлик, қатъиятликка таянган ҳолда ички ва ташқи сиёсат юритган.

“Ҳурматли” ғарблик олимлар худди Амир Темур, темурий-бобурийларнинг энг ёрқин вакили Акбарни саводсизга чиқаргани сингари, Шоҳрухни ҳам камситиш йўлини топган: тоат-ибодатга берилган эрининг ўрнига салтанатни хотини Гавҳаршодбегим бошқарган. Вақоланки, темурийлар даври билан боғланадиган Уйғониш даври пойдевори ҳақиқатан ҳам Амир Темур томонидан қўйилгани ҳолда, унинг иморатини айнан Шоҳрух яратган, дея оламиз. Унинг уринишлари билан туғилган сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий муҳит ўлароқ Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Лутфий, Саккокий, Жомий, Навоий, Бобур, Беҳзод, Султон Али Машҳадий сингари улуғ ижодкорлар етишиб чиққан, табиий ва аниқ фанлар, фалсафа, тарих, тил, адабиёт, шеърият, санъат, меъморчилик, ҳунармандчилик фақат Туронда эмас, ҳозирги Афғонистон, Эронга тўғри келадиган ўлкаларда ҳам гуллаб-яшнаган.

Шоҳрухнинг ўғиллари Бойсунғур ва Иброҳим Султоннинг тарих, адабиёт, санъат, меъморчилик борасидаги истеъдодлари ҳамда ҳомийлик ишлари ҳақида ҳали кўпчилик бехабар.

Тилга олинган улкан кенгликни ўз қўл остида бирлаштиришга эришган шахс давлатимизга еткачилик қилган кезлари ҳарбий салоҳиятимиз қандай бўлганини чамалаш қийинмас, деб ўйлаймиз. Лашкарга ҳокимият таянчи, давлат барқарорлигини таъминловчи, чегаралар ва мамлакат ҳудудининг қўриқчиси, душманларни енгувчи омил сифатида қараган Шоҳрух 1409 йили Улуғбекни Мовароуннаҳр ва Туркистон мулкига ҳоким этиб тайинлар экан, чегараларга иш кўрган ва тирикликнинг аччиқ-чучугини татиган, оқил ва қўрқмас кишиларни тайин қилиб, у ерлар қўрғонларининг мустаҳкамлиги борасида зарурий чоралар кўриш, сарҳадлардан доимо огоҳ бўлиш, эҳтиёткорликни эсдан чиқармаслик кераклигини қаттиқ тайинлагани маълум.

Ҳарбий меросимизда ўз атамаларимиз етарли экани, фақат биз уларни билмаслигимизга урғу берган Олий Бош Қўмондонимиз “ура” ҳайқириғи аслида ғирт ўзбекча сўз эканини жуда тўғри асослаб берди. Чиндан ҳам боболаримиз уруш майдонига “ур, ур” чақириғи остида кирганлар. Мазкур одат узоқ йиллар Олтин Ўрдага қарам бўлган рус давлатига ҳам ўтган (ура). Ҳарбий “парад” ҳам худди шу йўл билан тарқаган. Бизда у кўрик дейилган ва қўйидагича ўтказилган.

Олий бош қўмондон ҳарбий юриш эълон қилгач, *тавочилар* (қўшин тўпловчилар) бу ҳақида маҳаллий ҳоким ва уруғбошларига етказган. Улар эса илгари ўзларига юклатилган мажбурият — *булжорда* кўрсатилган қўшинни шай ҳолда буйрукда кўрсатилган ер ва вақтга етказиб олиб боришлари шарт бўлган.

Ҳарбий кўрик, одатда, барча ёки асосий кучлар тўпланган пайт ва манзилда ташкил қилинган. Бундан мақсад, биринчидан, лашкарнинг аниқ сонини билиш, иккинчидан, жангда қўлланиладиган ҳар қандай қурол-яроғ, асбобу ускунанинг тайёрлигига ишонч ҳосил қилиш, учинчидан, озиқ-овқат ва ем-хашак таъминотини кўздан кечириш, тўртинчидан, жанговар тартибни тузиш.

Бинобарин, *ёсомиши* атамаси билан ҳам аниқлаштирилган мазкур жараён *тавочи* беклар томонидан барча қўшинни саноқдан ўтказишдан бошланган ва бунга бир неча кунгача вақт сарфланган. 1420 йили амир Қора Юсуфга қарши отланган Шоҳрух ҳозирги Эрон ҳудудида ўтказган шундай тадбирда *тавочилар* икки юз минг отлиқ ва юз *тумон* (бир миллион) қора черик (пиёдалар ва бошқалар) тўпланганини аниқлаган.

Сўнг бутун ҳарбий куч эрта тонгда катта кенгликда саф тортган. Қўшин аҳли совутларни кийиб, қалқон, қилич ва найзаларни қўлга олиб, отларга минган. Байроқлар баланд кўтарилиб, ноғоралар чалинган. Шоҳрух отга минган ҳолда лашкарни *тумон-тумон, қўшун-қўшун* кўздан кечиришни бошлаган. Ҳар бир ҳарбий бирикма, бўлинманинг қизил, сариқ, кўк (ҳаворанг), бинафша рангли байроғи бўлган. Олий бош қўмондон улар қаршисига борганида, ҳар бирининг бошлиқлари ва аскарлари найзаларини елкаларига кўтариб, бир оҳангда наъра тортиб, унга ўз садоқатларини билдирган.

Мазкур тарихий гувоҳликдаги икки юз минг отлиқнинг ҳар бири совут кийган ҳолда бўлгани ҳамда қалқон, қилич ва найза билан қуролланганини диққатдан қочириб бўлмайди. Бундай таъминот ҳар қайси давлатнинг ҳам қўлидан келавермаган. Уларни юксак сифат даражасида ясаш, тинчлик пайтларида омборларда сақлаш зарурати инобатга олинса, бизда азалдан ҳарбий ишлаб чиқариш анъанаси бўлгани аёнлашади-қолади.

Миллий етакчимиз ҳарбийларимиз ўртасида турли мусобақалар ўтказилиши ва бунда ўзимизнинг миллий тажрибамизни қўллаш зарурати ҳақида алоҳида тўхталди. Темурийлар даври тарихий манбаларига кўра, ёшлар ўртасида ёйдан ўқ узиш бўйича беллашувлар ўтказиб турилган экан. Машҳур тазкирачи Давлатшоҳ Самарқандий ҳайит байрами муносабати билан уюштирилган шундай мусобақада Шоҳрух томошабин, унинг ўғли Муҳаммад Жўкий эса қатнашчи бўлгани, у устунга осиб қўйилган қовоқ-нишонни биринчи уринишдаёқ иккига ажратиб юборгани ҳақида ёзиб қолдирган.

Тилга олинганлар ўзимиз билганларимиздан бир шингил, холос. Билмаганларимизнинг эса чегараю саноғи йўқ. Энг муҳими, ўзаги билимга йўғрилган ушбу мерос ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Уни юзага чиқариш учун нималардан куч олишимиз кераклигини эса **Президентимиз доимо таъкидлаб келмоқда: миллат ва юртни севиш, изланиш ва ўрганишдан тўхтамаслик, Янги Ўзбекистонимизга садоқатли бўлиш!**

УШБУ ИНСТИТУТНИНГ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚЛИГИ МАСАЛАСИДА ҲАМ ШУБҲА ҚИЛМАСА БЎЛАДИ. НЕГАКИ, ИЗЛАНИШ, ЎРГАНИШ, ХУЛОСАЛАШ УЧУН МАНБА ВА МАВЗУЛАРНИНГ САНОҒИ ЙЎҚ, ДЕСАК ҲАМ БЎЛАДИ. УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИНИ МИЛЛИЙ ЕТАКЧИМИЗ ТИЛГА ОЛИНГАН КЕНГАШДА АЙТИБ ҲАМ БЕРДИ: ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ, АМИР ТЕМУР, ШОҲРУХ, БОБУР ҲАРБИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

“THE KOREA POST”: “ЎЗБЕКИСТОНДА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР, ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛАНИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА”

Бошланиши 1-бетда

Унда муаллиф ўтган тўрт йил давомида Ўзбекистонда туб ислоҳотлар, кенг кўламли модернизациялаш ва янгиланишлар даври бўлгани, мамлакатда бошланган ўзгаришлар жараёни жаҳон ҳамжамияти томонидан “янги Ўзбекистон феномени” сифатида қайд этилаётгани, буларнинг барчаси Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган прагматик ташқи ва ички сиёсат натижаси экани қайд этилади.

Мақолада ёзилишича, Ўзбекистонда олий ҳокимиятнинг халқ олдида ҳисобот бериши тимсоли бўлган Президентнинг Олий Мажлисга мурожаат қилиши анъанага айланган. Бу эса демократиянинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Парламентга ҳар йили Мурожаатнома йўллаш орқали Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакати учун узоқ муддатли стратегиянинг тўлиқ ҳуқуқли концепциясига эга эканини намойиш этади.

Муаллиф Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги парламентга мурожаатини кузатиб борган шахс сифатида ушбу воқеа Ўзбекистон ҳаёти учун ўтган йилнинг асосий сиёсий воқеаларидан бирига айланганини таъкидлайди. Унинг фикрича, Мурожаатнома Ўзбекистон раҳбарининг халқ билан очиқ мулоқот тамойилига қатъий содиқлигини, ҳар бир фуқаронинг муаммоларини ва мамлакатни демократик ўзгартириш йўлидаги таклифларини тинглашга ва эшитишга тайёрлигини яна бир бор исботлади.

Айниқса, Ўзбекистонда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши мамлакат Президенти яна бир бор унинг раҳбарлигида республикада амалга оширилган ислоҳотларнинг изчиллигини, биринчи навбатда, ўз халқи манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратаётганини намойиш этди.

Ли Кёнг Шикнинг хулоса қилишича, давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномаси — янги Ўзбекистонни яратиш йўлидаги демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади. У ўз нутқи билан мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва чора-тадбирларга, жумладан, таълимни янада ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, илм-фанни ривожлантириш ва иқтисодий соҳага ностандарт ечимларни жорий этишга янги туртки бўлди. Энг муҳими, Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти янги Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси билан ҳамоҳанг бўлиб, мамлакат раҳбарининг жамият ҳуқуқлари ва манфаатларини инобатга олган ҳолда республикани янада модернизация қилиш мақсадларига содиқлигини ифода этади.

“Дунё” АА

Сеул

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МИНБАРИ

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Эркин ҲАМРОЕВнинг “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳарририга эксклюзив интервьюси

Бошланиши 1-бетда

— Тўғри айтасиз, хориждаги ватандошларимиз билан ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг юртимиз тараққиётига доир креатив ғояларини, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу жараёнда чет элларда меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз тақдирига ҳам бефарқлик йўқолди. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчасига Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мустаҳкам сиёсий иродаси, аниқ мақсадлар кўзланган саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари туфайли эришилмоқда.

Айни шу йўналишда ҳукуматимиз томонидан бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хорижда истиқомат қилаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди.

Ҳозир кўплаб ҳамюртларимиз мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий соҳа, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, она Ватани — Ўзбекистоннинг обрўсини янада ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги барча таклиф ва ташаббуслар жуда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, “Ватандошлар” жамғармасини тузиш таклифининг асосий мазмун-моҳияти, аввало, хориждаги юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ривожлантиришдан иборат. Бу ташаббус ватандошларимиз билан самарали ишлашнинг аниқ механизмларини яратишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 30 дан зиёд хорижий давлатларда истиқомат қилаётган салоҳиятли инвесторлар, малакали мутахассислар, халқаро ташкилотлар вакиллари, олим ҳамда иқтидорли талабалардан иборат 480 дан ортиқ ватандошимиз рўйхати шакллантирилди.

Улар Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида туризм, дастурлаш ва ахборот технологиялари, фан, таълим, тиббиёт, маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, озиқ-овқат маҳсулотларини, қурилиш молларини ишлаб чиқариш, экспорт, импорт, банк-молия, транспорт-логистика, энергетика каби соҳаларда лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган.



ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЯТИНИ КЕНГ ЁЙИШ, ЎЗБЕК ТИЛИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ФАРЗАНДЛАРИДА ВАТАН ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ЎЗЛИГИНИ УНУТМАСЛИГИ МАҚСАДИДА ДИАСПОРАЛ УЮШМАЛАР ҚОШИДА КЕЧКИ ВА ЯКШАНБАЛИК МАКТАБЛАР ОЧИЛМОҚДА. УШБУ МУАССАСАЛАРНИ ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ КИТОБЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ИШЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛЯПТИ.

— Ўзбекистонлик кўп иқтидорли кадрлар турли сабабларга кўра чет элларга чиқиб кетгани сир эмас. Улар бор салоҳиятини ўзга юртларда намоён қилиб келаётган эди. Президентимиз ташаббуси билан уларнинг кўпчилиги Ватанимизга қайтиб келиб, бугун турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Айтинг-чи, Ўзбекистонга қайтган юртдошларимиз мамлакат равнақи учун қанчалик ҳисса қўшишга улгурди?

— Дарҳақиқат, кўплаб ватандошларимиз юртимизга қайтиб, турли соҳалар ривожига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Хусусан, улар сафидан юқори малакали мутахассислар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти ҳамда бошқа ташкилотларга ишга қабул қилинди. Ҳозир уларнинг 150 дан ортиғи раҳбар ҳамда масъул лавозимларда фаолият юритиб келмоқда.

Шу кунгача бу ватандошларимизнинг аксарияти билан видеомулоқотлар ўтказилди. Ҳозир вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга улар томонидан билдирилган лойиҳавий таклифлар амалиётга татбиқ этиш учун ишлаб чиқилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш зарур. Фаол ватандошларимиз давлатимиз томонидан алоҳида эътироф этиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Франция ва Хитойда истиқомат қилаётган айрим ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак давлат мукофотлари — “Дўстлик” ордени, “Шуҳрат” ва “Келажак бунёдкори” медаллари билан тақдирланди.

— Бу каби эътибор чет эллардаги ватандошларимизни ҳам илҳомлантирмоқда. Ўзларини Ўзбекистондаги ислоҳотларга дахлдор сезиб, узоқдан туриб бўлса-да, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшишга, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тарғиб қилишга ундамоқда. Пировардида, хориж мамлакатларида ҳам ватандошларимиз томонидан турли уюшмалар, диаспорал ташкилотлар фаолияти йўлга қўйиляпти. Бу ташкилотлар билан алоқалар қандай?

— Ватандошларимиз томонидан тузилган уюшмалар, диаспорал ташкилотлар билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки хориждаги ҳамюртларимиз қалбида юрт билан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш, у ерда туғилиб ўсаётган фарзандлар орасида урф-одатларимиз ва она тилимизни кенг ёйишда бундай тузилмаларнинг ўрни катта.

Шундай марказлар аслида Ўзбекистондаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий йўналишларда кечаётган ўзгаришлар ва янгиликлар билан боғлиқ хабарларни етказишда кўпроқ ватандошларимизни қамраб олишга, улар билан алоқага киришиб, Ватанимиз манфаатлари йўлида ҳамкорлик ўрнатишга имконият яратади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари жойлашган мамлакатларда ва уларнинг консуллик округига кирувчи давлатларда қатор диаспорал ташкилотлар, миллий маданий марказлар фаолият юритмоқда. Ваколатхоналаримиз ана шу каби тузилмаларнинг 150 дан ортиғи билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Улар иштирокида чет эл давлатларида Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, урф-одатлари ва миллий байрамларига бағишланган ҳамда республикамизнинг сайёҳлик салоҳиятини хорижий жамоатчиликка кенг тарғиб қилишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, халқимиз маданиятини кенг ёйиш, ўзбек тилини тарғиб қилиш, ватандошларимиз фарзандларида Ватан туйғусини шакллантириш, ўзлигини унутмаслиги мақсадида диаспорал уюшмалар қошида кечки ва якшанбалик мактаблар очилмоқда. Ушбу муассасаларни ўқув қуроллари ва ўзбек тилидаги китоблар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттириляпти.

— Суҳбатимизни меҳнат мигрантлари мавзусида давом эттирсак. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим жиҳати сифатида ташқи меҳнат миграцияси масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Шу даврдан бошлаб ташқи меҳнат миграцияси жараёнини тартибга солиш мақсадида унинг турли жиҳатларини қонунийлаштиришга қаратилган қатор иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тартибли ва самарали меҳнат миграциясини ташкил этиш, биринчи навбатда, оилалар даромади ошишига, иқтисодиётда малакали мутахассислар шаклланишига хизмат қилади. Шу сабабли хорижий давлатларда меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларига риоя этишини назарда тутадиган халқаро ҳужжатларни тузишга қаратилган ишлар бажарилмоқда. Россия, Қозоғистон, Туркия ва Жанубий Корея давлатлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро битимлар имзоланди.

2020 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон ҳукумати билан Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Эндиликда ушбу ташкилот билан битим ижроси юзасидан дастурлар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ХМТнинг меҳнат ва миграция соҳасидаги 16 та универсал халқаро шартномаси иштирокчиси ҳисобланади. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз ХМТнинг “Халқаро меҳнат стандартларини қўллашни рағбатлантириш бўйича уч томонлама консультациялар” конвенцияси (Женева, 1976 йил 21 июнь) ва “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги конвенциянинг (Женева, 2014 йил 14 июнь) баёнига қўшилди.

Хорижда ишлаётган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилди ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Мазкур соҳада мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича давлат идораларининг аниқ вазифаларини белгилаб бериш мақсадида Президентимиз раҳбарлигида ўтган йилнинг 17 август куни ташқи миграция масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

2020 йилнинг 15 сентябрида эса Президентимизнинг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида хорижий давлатларда ўз меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон фуқароларини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги субъектларнинг фаолиятини тартибга солиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини якунлаб, ватанига қайтиб келган фуқароларнинг реинтеграциясини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган янги тизим жорий қилинмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлигининг махсус чора-тадбирлар режаси тасдиқланган ва у амалга оширилмоқда.

Қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ва консуллик муассасалари томонидан чет давлатларда мавжуд бўлган 12 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари аниқланди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда ушбу бўш иш ўринларига фуқароларимизни жойлаштириш мақсадида хорижий ташкилотлар билан ишлар олиб борилди.

Мамлакатимиз фуқаролари энг кўп борадиган давлатлар — Россия, Қозоғистон ва Туркия ҳудудларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ватандошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бу давлатларнинг нуфузли адвокатлик фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

— Қайси мавзуда гаплашмайлик, коронавируснинг салбий таъсири ҳақида айтяпмиз. Бу меҳнат миграцияси жараёнларига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Хусусан, пандемия шароитида хориждаги фуқароларимиз турли синовларга дуч келди. Уларга ўз вақтида консуллик-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва Ўзбекистонга қайтиб келишини ташкиллаштириш бўйича вазирлик томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида айтиб ўтсангиз.

— Бундай вазиятда хорижда қолган ватандошларимизга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2020 йил 25 январдан буён Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги махсус штаб фаолияти доирасида 550 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқароси Ватанимизга қайтарилди. Улардан 340 мингдан зиёди чартер рейслар, 55 мингга яқини темир йўллар ва 165 мингга яқин фуқаро давлат чегара назорат ўтиш пункти орқали олиб келинди. Чет элда қийин аҳволда қолган 100 мингга яқин ватандошимизга ёрдам кўрсатилди. Ҳозир хориж давлатларидан қайтиш истагини билдирган барча юртдошларимиз Ўзбекистонга қайтарилди.

2020 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ОЙИДА САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИ УЧУН “ИШГА МАРҲАМАТ” АДАПТАЦИЯ МАРКАЗИ ИШГА ТУШИРИЛДИ. ЕКАТЕРИНБУРГ, НОВОСИБИРСК, САМАРА ВА УФА ШАҲАРЛАРИДА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИНИНГ ВАКОЛАТХОНАЛАРИНИ ОЧИШГА КЎМАК БЕРИЛДИ. ВАКОЛАТХОНАЛАР 2020 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДАН ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ.



Чет элда яшаш учун маблағларсиз ва оғир аҳволда қолган 60 мингдан зиёд фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари, меҳмонхоналарга вақтинчалик жойлаш ва нақд пул тақдим этиш шаклида моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Коронавирус пандемияси даврида хорижий давлатлар томонидан 19 миллион АҚШ доллари миқдорида беғараз инсонпарварлик юкларини Ўзбекистонга етказиш ҳамда вазирлик ва идоралар ўртасида тақсимлаш ташкиллаштирилди.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши самарали курашиш мақсадида Германия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой ва Россиядан етакчи тиббиёт мутахассислари жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш учун консуллик ходимларининг иш ва уяли телефон алоқалари Ташқи ишлар вазирлиги, хориждаги дипломатик ваколатхона ҳамда консуллик муассасалар расмий сайти орқали эълон қилиб борилди.

— Ватандошларимиз энг кўп бўлган мамлакатлардан бири Россия Федерацияси ҳисобланади. Бу ерда ишлаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қандай қулайликлар яратилмоқда?

— Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш бўйича Ўзбекистон — Россия ўртасида 5 та халқаро битим имзоланган.

Россия ва бошқа хорижий давлатларда юртимизнинг меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам берадиган “Call-марказ”ни Москва шаҳрида ташкил этиш бўйича ишлар ўз ниҳоясига етмоқда.

2020 йил октябрь ойида Санкт-Петербург шаҳрида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан биргаликда ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари учун “Ишга марҳамат” адаптация маркази ишга туширилди.

Екатеринбург, Новосибирск, Самара ва Уфа шаҳарларида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очишга кўмак берилди. Ваколатхоналар 2020 йил сентябрь ойидан ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Ўзбекистонда Россиянинг миграция марказлари офисларини очиш ва ушбу давлатда ишлаш ҳуқуқини берувчи патент олиш тартибини осонлаштириш мақсадида Ўзбекистон Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Россия Ички ишлар вазирлигининг “Паспорт-виза хизмати” ташкилоти ҳамда Москва шаҳридаги “Кўп тармоқли миграция маркази” муассасалари ўртасида ҳамкорлик келишувини имзолашда кўмак берилди.

Фуқароларимизга чет тилини ва талаб катта бўлган касб-ҳунарларни ўргатиш мақсадида қисқа муддатда Россиянинг 10 дан ортиқ йирик ўқув марказлари билан келишувларга эришилди. Жумладан, Россия халқлар дўстлиги университети ва “Ворлдскиллс Россия” ташкилотлари билан Ўзбекистондан келган мигрантларни ўқитиш, ётоқхона билан таъминлаш, битирувчиларга Россия ҳудудида амал қиладиган сертификат бериш бўйича келишилди. Айни пайтда фуқароларимиз ушбу марказларда ўқимоқда.

Шунингдек, ўтган йилдан вилоятлар ҳокимликларини ҳам ташқи меҳнат миграцияси фаолиятига доир масалаларни ҳал этишга тизимли жалб этиш бўйича ишлар бошланди. Шу мақсадда ҳокимликлар масъулларининг Россия Федерацияси ҳудудларига ташрифлари ташкил этилди ҳамда видеоанжуманлар ўтказилди.

Бундан ташқари, 2021 йил давомида Россия ҳудудида ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бошқа қатор муҳим чора-тадбирлар ҳам режалаштирилган. Улар ҳақида газетхонларга батафсил ахборотлар бериб борамиз.

Бир сўз билан айтганда, хориждаги ватандошлар билан ишлаш ва меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз равнақига хизмат қилади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқчил сиёсатини дунёга танитиб, халқаро нуфузини янада оширади.

Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.

МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...

УЛУҒ МАҚСАДГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори

Жаҳонда кечаётган коронавирус пандемияси инсоният олдига кутилмаган синовларни қўяётган, глобал офатнинг иккинчи ва учинчи тўлқинларини бошидан кечираётган давлатлар яқин келажакда қандай тўсиқлар кутиб турганини англашга қийналиб турган бир шароитда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси Ўзбекистон халқи учун мамлакат истиқболини аниқ тасаввур қилиш имконини берадиган муҳим воқелик бўлди.
Мурожаатномада нафақат 2021 йилда ривожланишимиз учун зарур вазифалар, балки яқин беш-ўн йилда энг устувор йўналишларда эришишимиз керак бўлган мақсадлар ҳам белгилаб берилди. Учинчи Ренессанс остонасида биз илм, фан ва технологияларни ривожлантириш билан бирга иқтисодиётнинг барча жабҳаларини ҳам замонавийлаштиришни кўзда тутяпмиз. Шу нуқтаи назардан Мурожаатномани стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат сифатида қабул қилишимиз табиий. Зеро, Президентимиз олға сурган ғоя —"Учинчи Ренессанс асосларини яратиш" яқин келажакда амалга оширилиши зарур бўлган барча стратегик вазифаларнинг бош мақсади бўлиб қолади.

ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ УЙҒУНЛИКДА

Учинчи Ренессанс учун муҳит ва шароитларни қандай яратамиз? Бу саволга жавоб топиш учун кейинги тўрт йилликни, айниқса, синовли 2020 йилда Президентимиз бошчилигида ўзбек халқи босиб ўтган йўл ва довонларни синчиклаб ўрганишимиз керак бўлади.

Бухоро ва Сардобада юз берган офатлар, пандемиянинг салбий таъсири ҳамда оқибатлари муҳитида одамларнинг соғлиғини сақлаш, заиф аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилишда, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимиз букилмас ирода ва матонат кўрсатди.

Мана шундай шароитда Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари бошчилигида жараёнларни тезкор бошқара оладиган тизим шакилланди, десак муболаға бўлмайди. Президентимизнинг пандемия бошлангандан буён қабул қилган фармон ва қарорлари, тадбиркорларга тақдим этилаётган кўплаб имтиёз, преференциялар, йирик корхоналар, кичик бизнес субъектлари фаоллигини сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар кутилган натижаларни бера бошлади. Ўтган йилги синовларга қарамасдан Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларига эришди.

Ўзбекистонда ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари давом эттирилди. 2020 йилда мамлакатимизда 200 га яқин йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Давлат активларидан самарали фойдаланиш ҳамда хусусийлаштириш борасида ўн йиллаб кечиктириб келинаётган ислоҳотларга Президентимиз ташаббуси билан кенг йўл очиб берилди.

Пировардида, чет эллик ҳамкорлар ҳамда халқаро молия ташкилотларининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга ишончи борган сари ортиб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида Европа Иттифоқи тузилмалари томонидан мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари – "GSP+" тизими тақдим этилишини келтириш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатимиз 2020 йилда халқаро молия бозорларига чиқиш имкониятларини янада оширди. Президентимиз Мурожаатномада эътироф этганидек, биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда жаҳон тажрибасида муқобили бўлмаган тизим жорий қилинди. Камбағалликни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги — "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" тизими жорий этилди. Бундан ташқари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ енгилликлари берилди, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилди. Умуман олганда, пандемия шароитида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётда тадбиркорлик фаоллигини сақлаб қолиш сиёсати давлат ва бизнес имкониятларини самарали уйғунлаштира олди. Давлатимиз раҳбарининг "Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш", деган сўзлари амалда ўз исботини топди.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДА ТЎСИҚЛАР ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

Яқинда Жаҳон банкининг 2021 йил учун дунё иқтисодиётининг истиқболларига оид шарҳи эълон қилинди. Унга кўра, Европа давлатларида кузатилаётган пандемиянинг навбатдаги тўлқини минтақа иқтисодиётида ишбилармонлик фаоллиги ошишига тўсқинлик қилишини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Европа давлатларида йиллик иқтисодий ўсиш 3,6 фоиз, Шарқий Европа давлатларида эса 1,3 фоизни ташкил қилади. Шу жумладан, Россия Федерациясида ўсиш 2,6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Европа ва Марказий Осиё давлатларини биргаликда қараганда энг юқори ўсиш суръатлари Туркия ва Ўзбекистонда 4,3-4,5 фоиз атрофида кузатилиши эътироф этилган.

Жаҳон банки Ўзбекистонда 2021 йилги иқтисодий ўсиш имкониятларини нисбатан юқори баҳолаётгани бежиз эмас. Чунки кейинги 4 йилда иқтисодиётимиз очиқликка юз тутди, демократик ислоҳотлар билан бирга иқтисодиётнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Шу туфайли ҳам Президентимиз Мурожаатномасида "Эндиги вазифа — чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат", деб бежиз айтмади.

Таркибий ислоҳотлар асосини нафақат тармоқларнинг иқтисодиётдаги таркибини ўзгартириш ҳамда илмга асосланган юқори қўшилган қиймат яратувчи соҳаларни ривожлантириш, шунингдек, хусусий мулк улушини кескин оширишни назарда тутувчи трансформацион жараёнларни жадаллаштиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар ташкил этади. Чунки давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётгани туфайли илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилишга интилиш суст даражада қолмоқда. Натижада ушбу корхоналар бозор шароитида рақобат нима эканини ҳанузгача билмасдан фаолият кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ушбу ҳолатга чек қўйиш мақсадида ўтган йили Президентимизнинг махсус фармони билан давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар белгиланган эди. Унга кўра, 2021 йилда стратегик аҳамиятга эга бўлган 32 йирик корхона ва тармоқни трансформация қилинади. Мурожаатномада қайд этилишича, давлат улуши бўлган корхоналар сони келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади.

Жорий йилда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш, давлат активларидан самарали фойдаланишда замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал қўллаш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини янада яхшилаш иқтисодий ўсишга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этишга хизмат қилади.

МОЛИЯ БОЗОРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Мурожаатномада таркибий ислоҳотларнинг яна бир йўналиши сифатида банклар фаолиятини молия бозори талабларига мослаш, ушбу соҳада давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш муҳим вазифа сифатида қўйилди. 2021 йилда "Саноатқурилишбанк", "Асака банк", "Ипотека банк", "Алоқа банк", "Турон банк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш банк"ни хусусийлаштиришга тайёрлаш, камида битта йирик банкдаги давлат улушини стратегик инвесторларга тўлиқ сотиш масаласи қўйилди. Шунингдек, банклар фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, рақамлаштирилган банк хизматлари турларини кенгайтиришга эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Молия бозорида давлат активларини очиқ-ошкора ва самарали сотиш масаласи ҳам 2021 йил учун мўлжалланган муҳим вазифалардан бири сифатида келтирилган. Шу ўринда Ўзбекистонда молия бозорининг асосий қисмларидан бири — капитал бозорини ривожлантириш иқтисодиётдаги трансформацияни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этишини айтиш мумкин.

Кейинги тўрт йилда мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг реал секторига узоқ муддатли ва тўғридан-тўғри, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни ривожлантириш, янги молиявий инструментлар жорий этиш орқали иқтисодиётда фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, аниқ вазифалар белгиланган эди. Айни пайтда капитал бозорида қимматли қоғозларни жойлаштириш ва профессионал фаолиятни ривожлантириш, маҳаллий фонд биржасини чет эл фонд биржаларига интеграция қилиш, хорижий эмитентлар қимматли қоғозларини Ўзбекистон резидентлари томонидан харид қилиш имкониятлари ҳамда аҳолининг капитал бозоридаги иштироки масалалари ўрганилганда ушбу соҳани самарали ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган бир қанча масалалар мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, хорижий андеррайтерлар иштирокида давлат корхоналари томонидан облигацияларнинг асосан чет элда чиқарилиши маҳаллий капитал бозори ва унинг иштирокчилари фаолиятини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, давлат облигацияларининг ликвидли иккиламчи бозори шаклланмагани жисмоний шахслар ва норезидентлар томонидан давлат облигацияларини сотиб олиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Натижада Ўзбекистонда капитал бозорининг бугунги ривожланиш ҳолати молия сектори бошқа иштирокчилари, хусусан, банк ва суғурта бозорларига нисбатан суст даражада қолмоқда. Молия бозорида рақобатни ошириш мақсадида мукаммал қонунларнинг қабул қилиниши бу каби муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

ТАДБИРКОРГА ҚАНДАЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ?

Президентимиз Мурожаатномаси тадбиркорликка шароит яратиб бериш масаласига тизимли ёндашуви билан ҳам ажралиб туради. Чунки шароит деганда кўз олдимизга, энг аввало, электр, газ, сув таъминоти, йўл, кредит билан боғлиқ масалалар келади. Мурожаатномада тадбиркорликни ривожлантириш борасида қўйилган вазифалар мазмунан ва сифат жиҳатидан аввалгиларидан фарқ қилмоқда. Яъни ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, айниқса, хусусий мулк дахлсизлиги давлат органлари тизимидаги раҳбар ва мутасаддилар томонидан бузилганда уларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга қўшимча ваколат берилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва рухсатнома турларини кескин қисқартириш, айримлари бўйича эса тартиб-қоидаларни соддалаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга бундан 4 йил олдин эълон қилинган мораторийни яна бир йилга узайтириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилади. Бундан ташқари, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг қамрови анча кенгайтирилади.

Давлатимиз раҳбари бундай тадбирларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, уларнинг сонини кескин қисқартириш учун Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бу тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб бориши, энг муҳими, ўзини-ўзи ташкиллаштириши, ривожланиши ва мувофиқлаштириб бориш имкониятига эга бўлиши учун тизимлаштирилган қонуний асосларни тақдим этади.

Мурожаатномада 2021 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш экани, бунга ҳамма учун тенг имконият яратадиган (инклюзив) юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилиши аниқ асослаб берилди. Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашларнинг диққат марказида бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2021 йил учун вазифалар, шунингдек, яқин 5-10 йил ичида эришишимиз керак бўлган стратегик мақсадлар Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадга элтувчи йўлни аниқ ва равшан ёритиб турибди. Мана шу йўлдан оғишмай давом этиш учун ҳар бир тармоқ, соҳа ва ҳудудлар кесимида аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқиш, уларнинг ижроси бўйича доимий равишда халққа ҳисобот бериб бориш мақсадга мувофиқ. Мурожаатномада келтирилганидек, амалга оширилган ишлар самарасини баҳолашдаги асосий мезон — бу халқимизнинг фикри.

ТАДБИРКОРЛИК

Ишбилармонлик муҳитини ривожлантирадиган маскан

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган навбатдаги Мурожаатномасида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича бир қатор вазифаларни белгилаб берди.

Жумладан, ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозимлигини алоҳида қайд этди.

Жорий йилдан "Солиқчи — кўмакчи" тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солиқ қарздорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади. Бундан ташқари, тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштирилади.

Юртимизда фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, фақат шу йўл билан аҳоли фаровонлиги ошиб, иқтисодиёт янада мустаҳкамланади.

Президентимиз раҳбарлигида 2020 йил 28 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида жойларда тадбиркорга кўмакдош бўладиган, муаммосини ҳал қиладиган корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникалари ҳамда call-марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркор фаолияти мобайнида турли тўсиқлар, муаммолар, тушунмовчиликларга кўп учраши табиий. Кредит маблағларининг сабабсиз кечиктирилиши, субъектга ажратиладиган жой, бино масаласи, маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ишчи кучи, экспорт муаммолари ва ҳоказо масалалар билан қийналиб юрган тадбиркор мана шундай клиникага келиб, ўз "дард"ига даво топмоқда.

Фарғона вилоятида "Фарғона тадбиркори — Фарғонада ислоҳотчи" тажрибаси доирасида муайян натижаларга эришилмоқда. Маълумотларга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш ва экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун 1 триллион сўм айланма маблағ учун кредитлар ажратилмоқда. Хусусан, 101 тадбиркорга халқаро молия институтларининг 210 миллиард сўмлик кредитлари берилди. Жорий йилда 8 мингга яқин янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Фарғона шаҳрида фаолият бошлаган "Тадбиркорлар уйи" ҳар бир мурожаатни белгиланган меъёрлар асосида тезкорлик билан ижобий ҳал этиш имконини бермоқда.

Мақсад ҳам аслида тадбиркорга кўмакчи ва суянч бўлишдир. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорнинг муаммоси шу ерда ечим топади. Истиқболли лойиҳалар, бизнес-режалар ишлаб чиқилади.

Бу ерда тадбиркорнинг барча масалалари ижобий ҳал этилиши учун тижорат банклари, давлат хизматлари маркази, қурилиш, архитектура ва бошқа барча масъул идораларнинг ходимлари жойлашган.

— Мазкур клиника тадбиркорларнинг у ташкилотдан бу ташкилотга сарсон-саргардон юриб, ортиқча вақт сарфламасдан бир жойнинг ўзида ишини битириши учун ташкил қилинди, — дейди Фарғона вилояти давлат хизматлари маркази катта мутахассиси Зокиржон Хўжаев. — Давлат хизматларининг маъмурий регламенти аксарияти тадбиркорлик билан боғлиқ ҳисобланади. Мисол учун, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, хориждан ишчи кучларини жалб қилиш, тадбиркорлик фаолияти муддатини узайтириш, ишчиларга пенсия дафтарчаси очиш каби жараёнлар биз орқали амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар юздан ортиқ мурожаатнинг аксариятини ижобий ҳал этдик.

"Тадбиркорлик уйи" фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида унинг телеграм канали, ижтимоий тармоқларда махсус саҳифаси очилди, тадбиркорлар учун онлайн мурожаат қилиш имконияти ҳам яратилди.

Ўтган давр мобайнида "Тадбиркорлик уйи"га 1 минг 834 та мурожаат келиб тушган. Улардан 1 минг 50 таси ижобий ҳал этилган. 458 тасига тушунтириш берилган ҳамда 324 таси тегишли бошқарма ва ташкилотлар томонидан ўрганилмоқда.

— "Тадбиркорлик уйи"га келиб, мурожаат қилганимдан сўнг 8 йиллик муаммом 3 кунда ҳал бўлди, — дейди тадбиркор

Мансурбек Норматов. — Аниқроқ айтсам, 2012 йилда менга тегишли бўлган 4 гектар ер давлат томонидан номаълум сабабларга кўра, олиб қўйилди. У ерда аҳолига хизмат кўрсатувчи объектлар қуришни режалаштириб юргандим. Ҳозирга қадар бормаган идорам, тўпламаган ҳужжатим қолмаган. Бир неча кун олдин ушбу масалада "Тадбиркорлар уйи"га келиб, вилоят ҳокимига мурожаат қилдим ва масалам ижобий ечим топди.

Бу ерда ҳар бир идоранинг кун тартибидаги устувор вазифа тадбиркорлар билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилишдан иборат бўлади.

Яна бир жиҳат. Тадбиркорга бизнес юритишнинг илк сабоқлари ва ҳозирги ривожланиш тенденцияларини ўргатиш мақсадида "Бизнес академия" ташкил этилган. Ўқув жараёнларига республикамиз ва хориждан малакали мутахассислар жалб этилмоқда. Ҳозирги кунда 60 дан ортиқ тингловчи малакали мутахассислардан сабоқ олмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган вазифалар юртимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлар сафининг кенгайишига хизмат қилади.

РОБИТА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Орипжон ЗАРИПОВ,
Тошкент давлат техника университети проректори

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 августда Беларусь Республикасига расмий ташрифи чоғида кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокаралар доирасида таълимга оид ҳужжатларни ўзаро тан олиш тўғрисида ҳам битимлар, илмий-техника, IT соҳалари, минтақалараро ҳамкорликка оид кўплаб ҳужжатлар имзоланган эди.

Беларусь давлат технология университети (БДТУ)нинг биотехнология, технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш, информатика ва ахборот технологиялари йўналишларига талабаларни 2-2 форматда қабул қилиш ўзаро ҳамкорликнинг муқаддимаси бўлди. Шу билан бирга мазкур олий ўқув юрти билан машинасозлик ва механика йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича келишувнинг йўлга қўйилиши таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларимизни янги босқичга кўтарди. Ундан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимиз саноат тармоқлари учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, олий ва касб-ҳунар таълимини ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш, илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўқув жараёнига жорий этишдир. Бундан ташқари, БДТУ билан қўшма таълим дастурларини яратиш, бакалавриат таълимининг тегишли йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва материаллар нашр этиш, ўқув-услубий ишларнинг сифати ва даражасини ошириш, таълим ва фан уйғунлигига эришиш каби бир қатор масалаларда биргаликда фаолият юритишга келишиб олинди. Бугунги кунда бу борадаги ўзаро ҳамкорлик муваффақиятли давом этмоқда.

Беларусь миллий техника университетининг биринчи проректори Георгий Вершин раҳбарлигидаги делегация университетимизда бўлди. Икки олий ўқув юрти ўртасида қўшма таълим дастурлари, илмий-технологик технопарк, қўшма факультет ва малака ошириш марказлари борасида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Ҳозир ана шу келишув шартлари тўла бажарилмоқда.

Университетимизда илмий-технологик парк яратиш лойиҳаси юзасидан икки ҳамкор олий таълим даргоҳининг илмий инновацион фаолиятини интеграция қилиш, тажрибаларини кенг ёйиш, талаба, магистрант ва докторантлар иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кенгайиб боряпти. Эришилган келишувларнинг натижаси сифатида бугунги кунда икки университет қўшма факультетида таҳсил олаётган 113 талабанинг 58 нафари кейинги ўқув йилидан бошлаб таҳсилни Беларусь миллий техника университетида давом эттиради.

Ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, икки университет ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, шу билан бирга, Беларусь миллий техника университети ташкил топганлигининг 100 йиллигида иштирок этиш учун Тошкент давлат техника университети ректори С.Туробжонов раҳбарлигида бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларимиз 2020 йили декабрда Минск шаҳрида бўлди. Улар университет эришган ютуқ ва янгиликлар, механика факультети лабораториялари билан танишди. Кенгайтирилган йиғилишда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўтган даврда ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишлар ижобий баҳоланди.

Беларусь миллий техника университети илмий кенгаши қарорига мувофиқ, икки олий таълим даргоҳи ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқалар муваффақиятининг рамзи сифатида Тошкент давлат техника университети ректори С.Туробжоновга БДТУнинг фахрий профессори унвони берилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

ДАВР ТАҚОЗО ҚИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Худойназар ЮНУСОВ,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти ректори, биология фанлари доктори, профессор

Президентимизнинг “Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик”, деган гапи ўз-ўзидан юртдошларимиз дунёқарашини ўзгартириш вақти келганини, таълимдаги ислоҳотларни айнан мактаб остонасидан бошлаш лозимлигини англатади.

Замон шиддати бугун бизни тараққиёт йўлидан анча ортда қолдиргани, оғриқли бўлса-да, ҳақиқат. Орзуларга берилдик, катта ишларни бошладик, олий таълимдан кўп нарсаларни кутдик. Аммо аксарият ишларимиз кутилган натижани бермади, ишончимизни оқламади. Бугун мактаб таълимини бироз бошқачароқ усуллар билан жонлантиришни, замонга мослашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тўғри, инсон табиатида яшаш билан бирга табиий эҳтиёжлар бор. Лекин яна бир ҳақиқат борки, одам фақат қорин тўйдириш ёки кун ўтказиш учун яшамайди. У ривожланиб бориши, маънан ўсиши керак. Ана шунда эртанги куни бугунгидан яхшироқ бўлади.

Юртимизда Беруний лар, Ибн Синолар, Хоразмийлар яна туғилиши мумкин, туғиляпти. Аммо уларнинг иқтидорини кўра олмасак, тарбия қилмасак, ҳаётимизда бундан кейин ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Буларнинг барчаси, аввало, мактаб таълимига боғлиқ.

Шу маънода айтганда, Самарқанд ветеринария медицинаси институти айни кунда Самарқанд вилоятидаги 150 та мактаб билан ҳамкорлик қилмоқда. Бир ой давомида вилоятнинг ўнлаб мактаблари ҳаёти билан яқиндан танишдик. Жумладан, Пастдарғом, Пахтачи, Нарпай ва Самарқанд туманлари мактаблари фаолиятини ўрганганимизда, улар турли ҳудудларда жойлашганига қарамай, ютуқлари ҳам, муаммо ва ташвишлари ҳам бир хил эканига гувоҳ бўлдик.

Институт ҳузурида фанлар уюшмаси ташкил этганмиз. Уюшмада мактабларда ўқитиладиган жами 9 та фан — она тили ва адабиёт, математика, информатика, кимё, биология, тарих, чет тили, физика ўқитувчилари мунтазам ўқитиб борилади. Семинар-тренинглар, маҳорат дарслари, тажриба алмашинув ва малака ошириш машғулотларида мактаб ўқитувчиларига янги билимлар ўргатиляпти.

Тўғриси, ўқитувчилар бу лойиҳага катта умид билдирмоқда. Кимё ва биология фанлари бўйича мутахассис бўлганим учун муаллимлар бир неча машғулотларни шахсан ўзим ўтиб беришимни илтимос ҳам қилди. Нега рози бўлмаслигим керак? Жон-жон деб уларга дарс ўтдим.

Ҳар бир ўқитувчининг яхши кўрган мавзуси бўлади, у ана шу мавзуни мазза қилиб ўқувчиларига ўргатади. Баъзи мавзуларни эса яхши тушунмаслиги, шунинг учун дарсни ҳам юзаки ўтиши мумкин. Тренингларда у ҳамкасблари орасидан ана шу ўзи тушунмайдиган мавзуни яхши биладиган ва севадиган ўқитувчини учратади, ундан ўрганади ва натижада тажрибалар оммалашади. Уларда соғлом рақобат муҳити шаклланади.

Мактаб ўқитувчиларининг билими етарли. Ана шу билимни ўқувчига етказа билишни, ўқувчиларни дарсга жалб қила олишни, уларнинг орасидан кимнинг нимага қобилияти, иқтидори борлигини аниқлаб, улар билан янада чуқурроқ ишлашни ўргата олсак, мақсадга эришган бўлардик. Фанлар уюшмасининг асосий вазифаси ҳам шу аслида.

Демак, олдимиздаги вазифаларни шунчаки қоғозда, ура-урачилик асосида бажариш билан иш битмайди. Мактаб таълими борасида катта ислоҳотларни амалга оширишга киришдик. Яна бир нарсани унутмаслик керакки, олий таълимга ёшлар айнан мактаб остонасидан келади. Бу эса бугунги ҳамкорлигимиз, албатта, яқин келажакда ўз мевасини беришига умид уйғотади. Яна ҳам муҳимроғи, ишларимизни тизимли, мунтазам, аниқ қоидалар асосида, режали ташкил этишимиз керак.

Мактабларимизда замонавий билимларни ўқитишда сусткашликка йўл қўйилаётгани ачинарли ҳол. Бу балки мактаб маъмурияти билан эмас, юқорироқ доираларда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммодир. Лекин ўқитувчи интернет алоқасисиз, компьютерсиз дарсга кўнгилдагидек тайёргарлик кўролмайди. Дарсларда бу воситалардан фойдаланмасдан туриб, яхши натижаларни қўлга киритиш мушкул.

Мактаб дарсликлари бугунги кунга келиб, анча эскириб қолгани ҳам ҳақиқат. Уларни янгилаш учун катта маблағ лозим. Янги дарсликлар яратилгунга қадар ўқитувчилар электрон кутубхона имкониятларидан фойдаланиши мумкин. Мактаб интернет тизимига уланмаган бўлса, улар бу имкониятдан ҳам фойдалана олмайди. Компьютерсиз, интернетсиз ва бошқа замонавий алоқа воситаларисиз ўқувчиларга чуқур билим бера олмаймиз, ёшларни қизиқтиролмаймиз. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларидан ортда қолиши эса ачинарли ҳолат.

Қадимдан мактаблар том маънода зиё, маърифат маскани бўлган. Дунёнинг барча муаммолари, янгиликлари, аввало, мактаб миқёсида ўқитувчилар томонидан муҳокама қилинган, уларнинг талқини халққа етказилган. Шундай экан, яна мактабларнинг обрўсини кўтарадиган вақт етди. Бунинг учун юртимизда чуқур ислоҳотлар кетмоқда. Бу ислоҳотларни барчамиз қўллаб-қувватласак, мактабга, таълим-тарбияга эътиборни кучайтирсак, албатта, мақсадимизга эришамиз.

ТИЛ – МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ

ЎЗЛИКНИ ТАНИТУВЧИ МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ

Гуллола ИСОҚОВА,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг маслаҳатчиси

Тил — ҳаётнинг бошланиши. Инсон ўз она тили ёрдамида янги тушунчалар ва муносабатларни англай бошлайди. Она тили бизга она сути билан сингдирилади. Инсон улғайган сайин атрофидагилар билан мулоқот қилиш, бадиий китоблар ўқиш орқали сўз бойлигини ошириб боради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбек тилини асраш ва қадрлаш борасида сўзлаган маърузаларидан бирида шундай дейди: “Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир”. Дарҳақиқат, ушбу маънавият булоғидан бахраманд бўлганимиз сайин аждодларимиз қолдирган маънавий мерос қанчалар бебаҳо эканини янада чуқурроқ англаймиз.

Ривожланган давлатлар даражасига эришиш ва рақобатдош бўлиш учун Ўзбекистон фуқаролари халқаро тилларни билиши муҳим, албатта. Чунки биз глобал ривожланиш тенденцияларидан орқада қола олмаймиз. Лекин шуни унутмаслик керакки, ўзбек тили дунёдаги барча расмий тиллар қатори суверен тил мақомини олган экан, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилини билиши шарт.

Шу сабабли, бу улкан ҳодисанинг туб моҳиятини келажак авлод онгига сингдириш, она тилига бўлган муҳаббат ва садоқатини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Бинобарин, ўзини ўзбек миллатининг фарзандиман, деб билган ҳар бир шахс она тилимизга эътиборли бўлиши, унинг софлигини асраб-авайлашни муқаддас бурчи деб билиши шарт.

Ўзбек тили Ватанимизда давлат тили сифатида амал қилинишининг ҳуқуқий асослари қонунан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни уч тамойилга: умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий кафолатга асосланади. Дарҳақиқат, давлат тилининг мустаҳкам ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилгани тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланишга етарлича замин яратиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилиниши баробарида ўзбек тилининг эркин муомалада бўлиши учун зарур шарт-шароитни яратиб берди. Дунёда таниқли мамлакат бўлиш учун биз давлат тилининг мақомини кўтаришга эришишимиз лозим.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошиб, фаол мулоқот воситасига айланяпти. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ҳамда “Давлат тилида иш юритиш” китобининг чоп этилиши ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Ушбу китобда ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланадиган ҳужжатлар, уларни тузиш тартиб-қоидаларига урғу берилган, мазкур ҳужжатлар тегишли намуналар билан кўрсатилган, шунингдек, иш юритишга оид луғатлар киритилган. Изоҳли луғат ва қўлланма, биринчи навбатда, ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларига, бошқарув фаолиятида бевосита ҳужжат устида ишловчилар, котиб-референтлар, кадрлар хизмати ходимларига мўлжалланган. Ундан ҳисобчилар, адлия маслаҳатчилари, аудитор, менежерлар ҳам фойдаланиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва нуфузини ошириш борасида ҳар бир соҳада муҳим ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ҳам ушбу йўналишда жадал ислоҳотлар йўлга қўйилиб, тизимда ҳужжат алмашинуви ишлари тўлиқ давлат тилида олиб борилмоқда. Вазирликка қарашли ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфий ташкилотларнинг пешлавҳалари, бинонинг ички ва ташқи ёзувлари тўлиқ лотин алифбосида бўлиши, ижтимоий тармоқлардаги барча саҳифалар, интернет сайтларида ҳам давлат тилидаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши таъминланмоқда.

Вазирлик ва унинг қуйи тизимларидаги ходимларни кейинги йилларда давлат тили билан боғлиқ чиқарилган муҳим сиёсий ҳужжатлар — қонун, фармон ва қарорлар билан фаолият давомида белгиланган режа асосида таништириб, уларнинг тарғиботи олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тил сиёсати борасида 2030 йилгача амалга ошириладиган фаолиятимиз стратегиясини белгилаб берди.

Мазкур фармонга асосан “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури”нинг 1-банди ижроси юзасидан раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юрита олиш даражасини аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатларини жорий этиш юзасидан вазирлик ҳам ўз таклифларини билдирди.

Вазирлик тизимида давлат тили тарғиботига қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар олиб борилмоқда. Соҳа ходимларининг давлат тилида иш юритиш бўйича малакасини мунтазам ошириб бориш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида ташкил этилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Шунга кўра, вазирликнинг уч нафар маслаҳатчиси, бошқарма бошлиқлари, бўлим бошлиқлари белгиланган режа асосида давлат тилида иш юритиш бўйича малака оширди. Эндиликда ҳар бир бўлим ходими белгиланган режа бўйича тажрибасини ошириб бормоқда. Мазкур йўналишда вазирликнинг қуйи тизимлари вилоят, шаҳар ва туманлардаги раҳбар ва ходимлар ҳам ўз ҳудудларида ушбу йўналиш бўйича ўқиб бориши белгиланган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўпгина халқаро ташкилотлар, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ташқи меҳнат миграцияси агентликлари билан бевосита ҳамкорликда фаолият кўрсатиши боис, бу йўналишдаги ишлар халқаро меъёрларда белгиланган тартиб асосида олиб борилиши таъминланган.

Вазирликда давлат тилида иш юритиш ва ўзбек тилини янада ривожлантириш борасидаги ишларда, илмий тадқиқотларда ва ташкилий вазифаларни бажаришда юқори кўрсаткичга эришган раҳбар ва ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш йўлга қўйилди. Бу эса ходимларни ўз устида ишлашга, изланишга, она тилимизга бўлган ҳурмат ва эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ютуқларимиз ўзимизники, аммо вазирлик тизимида давлат тилида иш юритишни ташкил этиш борасида дуч келаётган муаммоларимиз ҳам бисёр. Меҳнат ва бандлик масалалари билан боғлиқ соҳавий қўлланмалар, рус ва бошқа тиллардан кириб келган касбга тааллуқли атамаларнинг муқобилини топиш ва амалиётга жорий этиш борасида қилинадиган ишларимиз бизларни бу борада янада масъулият билан ишлашга, изланишга, эътиборли бўлишга ундайди.

Ҳар бир халқ ва миллат, давлатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини, унинг мавжудлигини биргина омил — она тили билдириб туради. Тил мулоқот зарурати туфайли яралган, мулоқот жараёнида инсоният яратган барча янгиликларни, тафаккур меваларини англатиб, авлоддан авлодга етказиб, авайлаб-асраб келади.

Шундай экан, тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамиша долзарб бурчимиз бўлиб қолади. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшиш ҳар биримиздан миллий тилга чуқур ҳурмат билан ёндашишни талаб этади. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаётдир.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Юртимизда маърифатпарвар аждодларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларига назар ташлаш, уларнинг маънавий меросини ўрганиш, таваллуд саналарини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳмудхўжа Беҳбудий халқимиз тарихининг мураккаб даврида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби сифатида ном қолдирган.

“БИЗЛАРНИ УНУТМАНГИЗ, МАКТАБ–МАОРИФНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИНГИЗ!”

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КОНФЕРЕНЦИЯДА ЕВРОПА, РОССИЯ ВА ЕВРООСИЁ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ, АҚШ МИЧИГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, РОССИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ РОССИЯ ДАВЛАТ ҲУҚУҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ, ТУРКИЯНИНГ EGE ÜNİVERSİTESİ, БОБОЖОН ҒАФУРОВ НОМИДАГИ ХЎЖАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМДА ОЗАРБАЙЖОН МИЛЛИЙ ИЛМЛАР АКАДЕМИЯСИ, НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИДАН МУТАХАССИС-ОЛИМЛАР ЎЗ МАЪРУЗАЛАРИ БИЛАН ИШТИРОК ЭТДИ.

Бугун аллома ҳаёти ва ижодига оид ҳужжатли фильмлар, асарлар яратиш, замонавий спектакларни саҳналаштириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида ташкил этилган Адиблар хиёбонида унинг ҳам ҳайкали ўрнатилган.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Илмий хизматлар маркази билан ҳамкорликда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 146 йиллиги муносабати билан “Маҳмудхўжа Беҳбудий ва жадид матбуоти” мавзусидаги халқаро миқёсдаги онлайн илмий-амалий конференцияни ўтказди.

Айни илмий анжуман орқали мамлакатимизда журналистика ва коммуникациялар соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистонда масс-медиа соҳасида изланаётган ёш олим ва тадқиқотчилар, миллий матбуотнинг етакчи намояндаси бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг меросини ўрганишда маҳаллий ва хорижий олимлар ўртасида илмий алоқаларни ўрнатиш, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсад қилинган.

Конференцияда Европа, Россия ва Евроосиё таълим маркази, АҚШнинг Мичиган давлат университети, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти қошидаги Россия давлат ҳуқуқшунослик университети, Туркиянинг Ege Üniversitesi, Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети ҳамда Озарбайжон Миллий илмлар академияси, Низомий Ганжавий номидаги адабиёт институтидан мутахассис олимлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

Шунингдек, мамлакатимизда жадид матбуоти бўйича тадқиқот олиб борган таниқли олимлар Наим Каримов, Баҳодир Каримов, Турсунали Қўзиев, Зайнобиддин Абдурашидов, Ҳалим Саидов, Акбар Нурматов, Сайёра Ҳалимованинг маърузалари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган миллий уйғониш ҳаракатининг атоқли раҳбарларидан бири бўлиб, шу даврда ўзбек халқи ижтимоий онгининг уйғонишида муҳим роль ўйнади, — дейди академик Наим Каримов. — У Туркистонда янги усул мактабларининг очилиши, миллий матбуотнинг юзага келишида фаол иштирок этибгина қолмай, биринчи ўзбек драмасини яратиб, профессионал ўзбек театр санъатининг майдонга келишига замин ҳозирлади. У халқ ва жамиятни маърифатлаштириш орқали мустақилликка эришиш ғоясини олға сурган ва шу қутлуғ йўлда ҳалок бўлган улуғ аждодимиздир.

Шуниси эътиборлики, конференция тўпламида нашр этилган илмий тезислар GOOGLE SCHOLAR халқаро базасида индексияланади. Ҳар бирига DOI (Digital Object Identifier) рақами берилади.

Тадбир сўнгида миллатни уйғонишга, маърифатли бўлишга чорлаган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёт йўли, ижод олами ҳали асрлар давомида келажак авлодга катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Маърифатпарвар аллома васиятномасида қайд этилган мана бу сўзлар иштирокчилар томонидан ёдга олинди: “Бизларни унутмангиз, мактаб-маорифни тараққий эттирингиз!”

АДАБИЁТ МАВЖЛАРИ

“БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ...”

Бугун давр янгиланмоқда. Шунга ҳамоҳанг адабиёт майдонида янги нафаслар сезилмоқда, янги қиёфалар кашф этилмоқда. Китобхонлар қалби тоза руҳ, гўзал сўзлардан файзиёб бўлмоқда. Бу янгиланиш ижод оламига шиддатли парвоз билан кириб келаётган ёшларга истеъдодини намоён этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб баҳолаш имконини яратмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ёш истеъдод эгаларини излаб топиш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди. Республика ёш ижодкорлари учун Зомин семинарининг яна ўтказила бошлагани бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Семинарда асарлари устозлар томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланган ижодкорларнинг илк китоблари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Ижод” жамоат фонди

томонидан “Биринчи китобим” лойиҳасида минглаб нусхаларда чоп этилмоқда.

Мазкур лойиҳа туфайли ҳар йили бир гуруҳ ёшларнинг биринчи китоблари дунё юзини кўраётир. Улар орасида аллақачон ўз овози — услуби шаклланган ёш шоирлар, ёзувчилар, журналистлар, адабиётшунос ва таржимонлар кўп. Азизбек Анвар, Меҳриноз Аббосова, Рустам Мирвоҳид, Бобур Элмурод, Беҳзод Бийболаев, Биби Робия Саидова, Маҳфуза Имомова, Нурилла Чори, Жўрабек Жаҳон, Шоди Отамурод, Фозил Фарҳод, Жасур Кенгбоев, Байрам Айтмурод, Акмал Жумамурод, Мансур Жумаев, Шоҳсанам Нишонова, Нодирабегим Иброҳимова, Дилмурод Дўст, Феруза Хайруллаева, Нозима Ҳабибуллаева каби номлар бугун кўпчиликка таниш. Энг қувонарлиси, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Ижара уйларда яшаётган ёш ижодкорларга уюшма аъзолари учун қурилиб, фойдаланишга топширилган уйлардан ажратилди.

Албатта, бу ёш ижодкорлар учун катта рағбат. Шу рағбат қанотида улғаяётган ижодкор қалби Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш йўлида масъулиятни ҳам ҳис қилиши табиий. Шу рағбат туфайли янги Ўзбекистонда зўр иқтидорлар камол топиши, улар миллий адабиётимизни дунёга танитиши шубҳасиз.

Ботиржон ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари:

— Хабарингиз бор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Жиззах вилояти Зомин туманидаги сўлим, баҳаво Ўриклисой оромгоҳида узоқ йиллардан буён республикамиз ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари ўтказиб келинади. Мазкур семинарда устозлар эътирофига сазовор бўлган, ижоди юқори баҳоланган истеъдодли ука-сингилларимизнинг, қайси жанрда ижод қилишидан қатъи назар, китоби “Биринчи китобим” рукнида чоп этилиши учун тавсия қилинади. Устоз ижодкорлардан ташкил топган “Биринчи китобим” кенгаши назм, наср, болалар адабиёти, бадиий публицистика, адабий танқид, таржима каби йўналишлар бўйича ишлайди, тақриз илова қилингач, китобларни чоп этишга рухсат берилади. Ўтган йилдан эътиборан мазкур рукн низомига ўзгартириш киритилиб, ижодкорлар ёши 30 дан 35 га узайтирилди. Бу йилдан эса ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари устозлар оқ йўли билан нашрдан чиқишни бошлади. Бунда ёшларнинг танловига, хоҳишига ҳам эътибор қаратдик. Аксарияти эса ўз китобига ким сўзбоши ёзганидан ҳозирча бехабар. Бу 2021 йилда уларга совға бўлсин, деб ният қилиб турибмиз.

Лойиҳанинг манфаатли жиҳати шундаки, йигит-қизларнинг учирма бўлишида биринчи китоби қанот вазифасини ўтайди. Биз ҳам ўспирин пайтларимиз Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Рауф Субҳон, Минҳожиддин Мирзо каби истеъдодли шоирларни биринчи китоблари орқали таниганмиз, ижодларига меҳр қўйганмиз.

Бугунгача жами 146 нафар ёш ижодкор мазкур лойиҳа орқали кашф этилди. Уларнинг ижод намуналари жамланган мўъжаз китоблар юртимизнинг барча умумтаълим мактаблари кутубхоналарига беғараз етказиб берилди. Бунинг самараси ўлароқ, ака-опаларига ҳавас қилиб, ижод оламига кириб келаётган ёшлар сони кундан кунга ортиб бораётир.

Бироқ биринчи китобларнинг тарғиботига эътиборни янада кучайтиришимиз керак. Буни йўлга қўя олмаётганимиз — оғриқли жиҳатимиз. Агар шоу бизнес оламида янги хонанда пайдо бўлиб, бирор янги қўшиғи янграса, уч кунда ҳамма танийди. Уни қандайлигидан қатъи назар, эшитамиз. Бир кунда 10-15 марта эшитаверганингиздан сўнг қулоқ мослашар экан. Кўнглимизни хира қиладиган ҳолат шундаки, мамлакатимизда ажойиб сўз заргарлари етишиб чиқмоқда, лекин уларни ўзининг маҳалласидан бошқа ҳеч ким танимайди. Аслида бу истеъдодларни халқимиз ўз фарзандини билгандай билиши керак. Бунинг ечими шуки, ёз мавсумида телевидениеда яхна ичимликлар қандай реклама қилинса, “Биринчи китобим” рукнида нашр этилган китобларни ҳам ана шундай реклама қилиш зарур. Ахир айнан шу ёшлар-ку адабиётимизнинг эртанги эгалари. Уларни Зулфияхоним, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева каби ўнлаб устозларимиз қўлидан адабиёт туғини олиб, ўзидан кейинги авлодга етказувчилар деб айта оламиз. Бугун шу муаммоларга ечим топишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шу ўринда айтишни истардимки, 2020 йилда 47 нафар ёш ижодкор Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди, 23 нафар уйга муҳтож навқирон ижодкор давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз марказида қурилган кўп қаватли уйларда эмин-эркин яшаши ва ижод қилиши учун уй билан таъминланди. Бу имкониятлар сўзсиз ёшларнинг “Биринчи китобим” рукнида эътироф этилиши билан боғлиқ.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бўлим бошлиғи:

— Ижод кимга инъом этилган бўлса, ўз эгасини тинч қўймайдиган, то юрак дардларини қалам билан тўкмагунча тинчлик бермайдиган неъмат. Бугун бутун мамлакатимизда сўзнинг буюк ва ўлмас қудратига таяниб, самарали ижод қилаётган ёшлар кўп. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўлими томонидан бадиий адабиётнинг турли соҳаларида ижод қилиб келаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2020 йилда “Ижод” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида 37 нафар ёш истеъдодли ижодкорнинг биринчи китоблари чоп этилиши режалаштирилиб, нашрга тайёрланди. Айни вақтда ушбу китобларнинг 15 таси Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан ҳар бири 10 минг нусхада, кирилл ва лотин ёзувларида чоп этилди. Шу кунларда бу китобларнинг тақдимотини ўтказишни режалаштирганмиз.

Ёшлар бугун аста-секин катта майдонга жалб этилмоқда. “Адиблар хиёбони”да ва мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган тадбирларда, ижодий учрашувларда ёшларни устозлар ижоди ва бугунги адабий жараён билан таништирмоқда, ўз ижод намуналаридан ўқиб, уларнинг қалбида адабиётга бўлган меҳрни оловлантирмоқда.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири:

— Аввалари “Шеърият — тақдирим, манглайимга азал битилган қисмат” каби иқрорларни жиним суймасди, ғашим келиб, энсам қотарди. Мана, энди қор оқартиб ўйлаб қарасам, шу иддаоларим жон борга ўхшаб турибди. Аввалоси, чин шоирларни замон, давр, шароит шакллантирар экан, яъниким муҳит тақозо қилса, турмуш эҳтиёжи бўлсагина иқтидор истеъдодга айланаркан. Шу боис, дунёқарашни ўзгартириб, тафаккурни тарбият этадиган улуғлар доим ҳам яралавермайди, назаримда.

Юлдуз Ўрмонованинг биринчи китобига сўзбоши ёзганман. Шу аснода ёш шоиранинг ижоди мени қувонтирди. У кўп йиллардан буён адабиёт муҳиби бўлиб юрибди. Мен унинг иродасига, меҳнаткашлигига қойил қолганман. Шу қатъияти бадалига Зулфия номидаги давлат мукофотиниям қўлга киритди. Балли, дейсанки, шундан кейин ҳам тўхтамади: инглиз тилини пухта ўрганиб, бинойидек таржима билан шуғулланяпти. Камол касб этгандирки, Худо рутба берган устозлар асарларини ўзбекчадан инглизчага ағдаряпти.

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Бугун ўтган асрнинг 80-90 йилларидаги адабий тўлқин қайта уйғонмоқда. Ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида, “Онажоним шеърият” тўгарагида ҳамда турли адабий танлов ва тадбирларда ёш номлар кашф этилмоқда. Янги нафаслар сезилмоқда. Ҳар йили Зомин семинарига боргач ёшларни эшитиб, кўнглим кўтарилади, йил давомида уларнинг ижодини кузатиб, семинарнинг ёшлар ижодида қандай бурилиш ясаганини таҳлил қиламан.

Бу йил китоби чоп этилган ёшлар орасида Бек Алининг ижодига сўзбоши ёзиш менинг зиммамга юкланди. Унинг шеърларини ўқир эканман, қалбим бахшиларнинг давра олиб, оқшомдан саҳаргача, кунни тунга улаб, тунни кунга улаб, инсониятнинг асрий ва азалий дарду армонларини, ишқу муҳаббатини, меҳру садоқатини ифода этган сеҳрли овозини эшитгандек мафтун бўлдим. Одамлар нега бахшиларнинг достонларини бунчалар берилиб тинглаган? Бунинг боиси, уларнинг юрагига бахшининг юраги мос тушгани, дардлар ўхшашлиги, туйғулар рангдошлигидир. Айрим биринчи тўпламларнинг бир-иккита шеърини ўқиб қувониб кетасан. Афсуски, қолган саҳифаларидан тузук шеър тополмай қийналасан. Бек Алининг тўпламини варақлар эканман, мени юқоридаги ҳадик, хавотир бутунлай тарк этди.

Раҳмат БОБОЖОН,
“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиби:

— “Биринчи китобим” рукнида илк китоби чоп этилишини ҳар бир тенгдошим орзу қилади, кутади. Жумладан, мен ҳам. Ниҳоят орзиқиб кутган тўпламим Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан “Изтироб шивири” номи билан нашрдан чиқди.

2018 йили Зомин семинарида Хоразм вилояти вакили сифатида иштирок этдим. Бу майдон менга устозлар эътиборига тушиш, уларнинг қимматли фикрини эшитиш, тенгдошларим билан танишиш имконини берди. Бугун ўз йўлига эга бўлиб бораётган ёш ижодкорларнинг кўпчилиги билан ўша даврларда танишиб, ҳамсуҳбат бўлганмиз. Кейинчалик пойтахтга келиб, “катта қозон”га тушдик. Тошкент туйғуларни, изтироблар ва соғинчларни, шодликлар ва бахтларни, ҳақиқат ва рўёларни қуйлаш ҳиссини бус-бутунича кўнгилга солади. Эҳтимол, шундандир бу шаҳарга меҳрим бўлакча.

“Изтироб шивири”ни ҳам пойтахтнинг кенг ва гавжум кўчаларидан, шоир дўстларим ижарада турган кўпқават уйларнинг хотирага тўла кунларидан топган бўлсам, ажаб эмас. Бу шаҳар менга илҳом берди, улар шеър бўлиб китобга эврилди. Китоб тарихнинг бир бурчагида қоладими-йўқми, билмайман. Билганим — бу муқаддас маъво менга жуда азиз...

“Биринчи” сўзи кўнгилга фараҳ экади, қувонч келтиради, ҳайрат солади. Шу билан бирга масъулият ҳам юклайди. Масалан, биринчи фарзанд бўлиш оилага файз келтирдинг, бироқ ортингда улғайиб келаётган ука-сингилларингга андоза бўлишинг керак, дегани. Биринчи синфга бориш келажак учун дастлабки назарий ва амалий билимларни олишга имкон, аммо бунинг уддасидан чиқишинг шартлигига ишора. Шу маънода “Биринчи китобим” рукни ҳам ижодкорга имконият яратиш билан бирга миллатимиз адабиётининг юксалишига, она тилимизда яратилган бетакрор асарларнинг жаҳон минбарларида жаранг сочишига муносиб ҳисса қўшишда катта масъулият юклайди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Башорат ЮНУСОВА тайёрлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 162.
10887 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:10 Топширилди — 02:40

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru